Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 17 декабрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 97 (6993)

Da'vat

Билгинки, дўстлик туфайли одамлар бахтиёрдирлар.

Қобус

Ibrat

Тошкент туманидаги Й. Охунбобоев жамоа хўжалиги ўз ҳисобидан оталиғидаги 9-ўрта мактаб учун икки қаватли янги мактаб биносини қуриб битказиш арафасида.

Tashrif

ҚАРДОШЛИК НЕГИЗИДАГИ ТАРАҚҚИЁТ

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12-13 декабрь кунлари Қозоғистоннинг янги пойтахти — Ақмола шаҳрига ташриф буюрди. Ташриф Ақмола шаҳри билан танишувдан бошланди. Мамлакатимиз раҳбари Қозоғистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари ҳамроҳлигида Қозоғистон Президенти маъмуриятининг янги биносини кўздан кечирди. Сунг уч давлат раҳбари Қозоғистон Президентининг саройига йўл олдилар. Яқинда қурилиши тугалланган сарой меҳмонлар эътиборига ҳавола қилинди.

Президент саройининг шарқий залида эса, уч мамлакат раҳбарининг Давлатлараро Кенгаш Мажлиси доирасидаги ёпиқ учрашуви бўлиб ўтди. Президентлар суҳбатининг бош мавзуси уч мамлакат ўртасидаги ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисида 1994 йилнинг ўртасида тузилган шартноманинг амалга оширилиш жараёни, шунингдек, ушбу шартнома доирасида энергетика, сув заҳираларидан оқилона фойдаланиш, озиқ-овқат таъминоти, коммуникациялар ҳамда минерал хом ашё заҳираларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш соҳалари бўйича халқаро консорциумлар тузишдан иборат бўлди. Шунингдек, 2000 йилгача мўлжалланган дастур ҳамда 1998 йили ҳамкорликда амалга ошириш белгиланган тадбирлар ҳам Президентларнинг диққат марказида бўлди.

Президентлар учрашуви ниҳоясида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев, уч давлат раҳбарининг мулоқоти тортишувлар, баҳс-мунозараларга бой бўлгани, шундай бўлса-да, томонлар ўртасида ўзаро келишувга эришилганини маълум қилди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар экан, аввало, Давлатлараро Кенгаш Мажлиси ҳайрли тадбирлар — Қозоғистон мустақиллиги ва унинг янги пойтахти — Ақмолада ҳукумат иш бошлагани билан боғланганидан мамнуният билдирди.

— Учрашувимизнинг тарихий воқеалар билан узвий боғлиқликда ўтаётгани алоҳида эътиборга лойиқ, — деди Ислом Каримов. — Мен мана шу тарихий кун билан Президент Н. Назарбоевни, Ақмола аҳлини, бутун Қозоғистон халқини табриклашни истардим. Зеро, табиатнинг ўзи Ақмолани ажойиб сифатлар билан — катта иқтисодий, коммуникациявий, технологик имкониятлар билан бойитган. Ушбу шаҳар Қозоғистон пойтахти бўлиш, пойтахт даражасидаги буюкликни қўлга киритиш учун барча имкониятларга эга. Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, пойтахт кўчириш катта журъат талаб қилади ва бундай қарорни қабул қилган кишилар зиммасига катта ва оғир масъулият юклайди. Бундай масъулиятни ҳар ким ҳам қатъият билан ўз зиммасига ололмайди.

Президентлар уч мамлакат ўртасида имзоланган ҳужжатларнинг аҳамияти, уларнинг интеграция жараёнига кўрсатаётган таъсири ҳақидаги саволларга жавоб қайтариб, бу борада фикрлар яқдил эканини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, Узбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон президентлари собит қадамлар билан барқарор тараққиёт йўлидан бормоқда, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Бунга мисол сифатида биргина Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банки («ЦентрАзбанк») фаолиятини тилга олишнинг ўзи ҳам кифоя. Мазкур банк ҳозирги кунда уч мамлакат ҳудудидаги ўнга яқин лойиҳани молиялаштирмоқда.

Ақмолага ташрифнинг иккинчи куни Президентлар янги пойтахт билан танишувни давом эттирдилар.

Куннинг иккинчи ярмида иш ва маданий ҳамкорлик марказида Қозоғистон мустақиллигининг олти йиллиги ва Ақмоланинг янги пойтахт, деб эълон қилинганига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Тантанали маросимни Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев очди.

Тантанада мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Бир сўз билан айтганда, қардошларимиз юртида бўлиб ўтган бу учрашув азал-азалдан давом этиб келаётган қўшничилик ва қардошлик ҳамда бу қардошлик негизидаги тараққиёт ўзининг тўғри йўлида равон одимлаётганини яна бир бор намойиш этди.

СУРАТДА: Ислом Каримовнинг Ақмолада бўлиши.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Tanlov

ИНШОЛАРДА ВАТАН СУРАТИ

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Низом асосида республика умумтаълим мактабларининг 9-11-синф ўқувчилари ва ҳунар билим юртларининг талабалари ўртасида «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзуидаги анъанавий ижодий иншолар танловини ўтказишни режалаштирган эди. Мактаб ўқувчиларини ва талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда Ватанимиз тарихи, миллий қадриятларимизга, урф-одатларимизга ҳурмат, мустақил республикамиз келажагига мустаҳкам ишонч туйғуларини шакллантириш мақсадида бошланган бу ишнинг I, II, III босқичлари мактаб, туман ва вилоятларда ўтказилди.

Мазкур танловнинг сўнгги, якуний босқичи янги йилнинг 9 январь куни пойтахтимиздаги Нафис санъат лицейида бўлиб ўтади. Шунингдек, танлов ғолибларини тақдирлаш, энг яхши иншоларни тўплам шаклида чоп этиш, радио, телевидение ва матбуот орқали тарғиб қилиш вазифалари амалга оширилади.

Инобат ҚУЧҚОРОВА, ХТВ УЎТББ етакчи назоратчиси.

Fikr

ЗАМОН ТАЛАБИ

Бугунги кунда ҳаммага аёнки, жамият ва халқ маънавиятини, сиёсий онги ва маърифатини юксак ривожланган замонавий талаблар даражасига кўтармай туриб, мамлакатимизда бозор иқтисодиётини муваффақиятли амалга ошириш мумкин эмас. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов Узбекистон Фанлар академиясининг умумий йиғилишида сўзлаган нутқида: «Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт — жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир», деб таъкидлаган эди. Биринчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» негизида ҳам айнан мана шу назарий-методологик концепция ётади.

Ўзбекистоннинг янги миллий таълим дастурини яратиш замон тақозоси. Бундай зарурият мамлакатимиз таълим тизимининг мутлақо яроқсизлигидан, ғоят ачинарли аҳволидан келиб чиқаётгани йўқ. Таъкидлаб ўтиш жоизки, бизда аҳолининг ялпи саводхонлиги муаммоси тула ҳал қилинган. Мамлакат аҳолисининг саводхонлик даражаси 99,06 фоизни, 15 ва ундан катта ёшдаги ҳар 1000 кишига ҳисоблаганда, олий ва тўлиқсиз олий маълумотлилар сони 143 кишини ташкил қилади. Ҳар 1000 кишининг 200 нафари ўрта-махсус маълумотли мутахассислардир.

Очиғини айтганда, эски таълим тизими замонавий талаблар даражасидан анча орқада эди. Айниқса, таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ўзгартириш зарурияти туғилди. Чунки 9, 10-синфларни битирган ўқувчиларнинг маълум қисми на ишлаб чиқаришга бориб ишлаш, на олий ўқув юртларига кириб ўқиш имкониятига эга бўлмай қолдилар. Бунинг устига олий ўқув юртларидаги ўқув муддатларининг турличалиги, ўқитилаётган фанларнинг сони ва ўқув соатлари ҳажми кескин фарқ қилиши, юқори малакали замонавий кадрлар тайёрлашга тўсиқ бўла бошлади. Эски таълим тизими асосан собиқ совет тузуми шароитида шаклланган дастурлар асосида тузилган бўлиб, унда ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим тизими тажрибалари ҳисобга олинмаган эди.

Қабул қилинган миллий таълим дастури замонавий, юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун ўрта ва олий ўқув юртларида ички таркибий ўзгаришлар ўтказишни талаб қилади. Юқори малакали билимдон замонавий кадрлар тайёрлаш учун энг аввало олий ўқув юртларида ўқитилади-

(Давоми 2-бетда).

7 ЁШЛИ 3-СИНФ ЎҚУВЧИСИ 2-бет.

ТЎҒРИ ЙЎЛДАН ЭГРИ ЮРГАНЛАР 4-бет.

Диққат! Диққат! Диққат!

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ҳурматли газетхонлар, республикамизда матбуот нашрларига 1998 йил учун обуна бўлиш мавсуми шу йилнинг 20 декабригача узайтирилди. Ўйлаймизки, бу — ҳали «Маърифат»га обуна бўлмаганлар учун ҳам қулай бир имконият.

Нашр индексимиз:

Якка тартибда обуна бўлувчилар учун — 149

Ташкилотлар учун — 150

- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида оила манфаатларини таъминлаш юзасидан 1998 йил учун тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича республика комиссияси ва унинг ишчи гуруҳлари мажлисида вазирлик ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда бир ой муддатда тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.**

- **Вазирлар Маҳкамасида Ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий (1225 йиллиги), буюк қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғоний (1200 йиллиги) юбилейларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмиталарининг мажлиси бўлиб ўтди.**

- **Ўзбекистоннинг Пекиндаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарининг хитой тилига таржима қилинган китоби тақдимоти бўлиб ўтди.**

JUMLADA JAHON

- **Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобининг Дехлида бўлиб ўтган тақдимномаси давримизнинг муҳим ижтимоий-сиёсий муаммолари чуқур таҳлил этиб берилган бу асарга дунё қизиқишининг тобора ортаётганлигидан далолат беради.**

- **Люксембургда бўлиб ўтган Европа Иттифоқининг (15 мамлакат аъзо) икки кунлик анжуманида Шарқий ва Марказий Европанинг яна 10 давлатини ушбу Иттифоққа қабул қилиш масаласи кўрилди.**

- **ХХР Марказий Ҳарбий кенгашининг ёпиқ мажлисида Хитой Халқ озодлик армиясини энг янги қурол-яроғ техникаси билан таъминлаш масалалари муҳокама этилди.**

- **Ироқни қуролсизлантириш бўйича БМТ махсус комиссияси раҳбари Ричард Батлер Ироқ ҳукуматидан БМТ комиссияси томонидан Президентнинг 80 та саройининг текширилишига ҳам рухсат олиш истагида эканлигини, Боғдод эса бунга рози эмаслигини билдирмоқда.**

Mulohaza, taklif

КОМПЬЮТЕР ВА АМАЛИЁТ

Компьютерлар инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олди, кўмакчи бўлди. Бу эса ҳар бир кишидан компьютер сирларини қунт билан ўрганишни талаб этмоқда.

Ҳозирги кунда «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» бўйича анча китоблар мавжуд. Лекин бу дарсликлар ёрдамида русумли компьютерларни тўла ўргатишнинг имкони йўқ.

Маълумки «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари»ни турли фан ўқитувчилари ўқитяпти. Улардан компьютер бўйича дарс беришни талаб қилиш учун компьютерларнинг тўла имкониятлари ёритилган қўлланмалар, дарсликлар, услубий тавсиялар яратиш халқ таълими олдида муаммо бўлиб турибди.

Дарҳақиқат, дарсликлар, услубий қўлланмалар яратиш анчайин мураккаб иш бўлиб, у кўп меҳнатни, изланишни ва тажрибани талаб қилади.

Хунар лицейида икки йилга яқин ишлаётган бўлсам, мана шу даврда «IBM» компьютерида мавжуд бўлган «ФОТОН» матнли муҳарририда ишлаш» бўйича услубий қўлланма ёзиб, вилоят халқ таълими услубият кабинетига топширдим. Бундан ташқари, «IBM» компьютерлари мавжуд бўлган ўқув юртлари учун «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фанидан амалий ўқитиш бўйича ўзим тузган ва услубий бирлашма томонидан тасдиқланган 60 соатлик дастур асосида қўлланма (таянч конспект деса ҳам бўлади) ёзиб тугатдим. Лекин чоп этиш муаммо.

Ҳунар лицейи ва бизнес мактабларининг йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ҳар қайси касб мутахассисликлари учун турли соатларда ўқитиш жараёнини олиб бориш зарурдир.

Хозирда ҳар бир ҳунар лицейи ва бизнес мактаблари «IBM» русумли компьютерлардан тўла имконият даражасида фойдалана олмаяпти, албатта. Бундан ташқари, компьютер хоналарида амалий машғулотлар шу кунниг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки ҳар бир гуруҳда ўқувчилар сони 25-30 дан кам эмас. Компьютерлар сони эса 10 донадан иборат. Ўқувчиларни икки ёки уч гуруҳга бўлиб, 10 ёки 15 ўқувчини компьютер дарсига киритсак, қолган ўқувчиларни нима қилишни билмаймиз. Албатта, бунинг учун Халқ таълими вазирлигидан махсус кўрсатма бўлиши кераклигини инобатга олиш лозим. Чунки бу ерда соатларни ҳам бўлишга тўғри келади.

Бу масалани биз вилоят ҳунар лицейи ва бизнес мактаблари информатика ўқитувчиларининг услубий бирлашмаси кенгашида ҳам бир неча бор муҳокама қилдик. Лекин бирор ижобий натижа бўлмади.

Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида ўқувчиларга «IBM» компьютери сирларини тўла ўргатиш лозим. Шундай экан, «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фанини компьютерларсиз ўқитиш умуман самарасиз.

Вазифа аниқ. Қанчадан қанча маблағ эвазига келтирилган компьютерлар бир маромда ишлаши, ўқувчилар уни моҳирона ўрганишлари керак. Лекин ана шу аниқ вазифани амалга оширишдаги муаммолар ҳал бўлмас экан, ёшларимиз техникани бошқаришда нўноқ бўлиб қолаверадилар.

Неъмат ДЎСАНОВ, Пастдарғом туманидаги касб-ҳунар лицейининг олий тоифали информатика ўқитувчиси.

Ilg'or texnologiya

ТАЪЛИМ БЕРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИ

Бу тизимни Ўзбекистонда ҳам йўлга қўйиш мумкинми ва унинг истиқболи қандай бўлади? Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегия ва минтақаларо тадқиқотлар институтида бўлиб ўтган «Масофадан ўқитиш: тажриба ва тараққиёт» мавзуидаги халқаро конференцияда шу масала атрофлича муҳокама этилмоқда.

Маълумки, таълим беришнинг бу тизими бир қанча мамлакатларда йўлга қўйилган. Шу кунларда дунё бўйича 10 миллионга яқин талаба илмий даража олиш учун ушбу тизим имкониятларидан фойдаланишмоқда. Унда ўқитувчи билан талаба бошқа-бошқа шаҳар ёки муайян жуғрофий узоқликда бўлиши мумкин. Ўзаро мулоқот воситаси вазифасини эса компьютер, йўлдош орқали алоқа, маърифий каналлар ёки кабелли телевидение бажаради.

Ушбу тадбирни ўтказишда ҳамкорлик қилаётган АҚШнинг Халқаро тадқиқотлар ва алоқалар кенгаши (АЙРЕКС) бу замонавий усул билан маҳаллий мутахассисларни батафсил таништирмоқчи. Конференцияда мазкур дастурни ривожлантириш учун зарур технология, заҳира ва молия инфраструктурасини яратиш имкониятлари ҳам муҳокама этилаяпти. Шунингдек, мазкур тадбир сўнгида масофадан ўқитиш учун зарур жиҳозлар ва заҳиралар тақдимоти ўтказилиши мўлжалланмоқда.

МУХБИРИМИЗ.

ХАБАРЛАРИ

MMM

САХОВАТЛИЛАР БОР БЎЛСИН

Бугунги кунда республикамизда фермерлик кенг ривожланиб бормоқда. Нуробод туманидаги Жом ижара хўжалиги ҳудудида жойлашган Номоз Пирназаров бошлиқ фермер хўжалиги иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Фермер хўжалик томонидан тумандаги 21-мактабнинг энг яхши ўқиган уч нафар ўқувчисига махсус стипендия ташкил этилди. Хўжалик раҳбарининг айтишича, мактабдаги таълим-тарбия аъло бўлса, келажакда шунга ўхшаган ибратли ишлар янада кўпаяди.

Баҳодир РЎЗИҚУЛОВ.

ЎЛКАНИ ЎРГАНИШ, ЎЗЛИКНИ ЎРГАНИШ ДЕМАК

Мактаб ўқувчиларини тарихий жойлар ва ўлмас обидалар билан таништириш таълим-тарбия ишининг муҳим жиҳатларидан биридир. Зеро, ўлкани ўрганиш ўзликни англаш демакдир.

Хоразм вилоятида бўлиб ўтган республика ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар марказлари директорларининг кўчма кенгашида худди ана шу масалалар хусусида гап борди. Республика ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази бош директори Шавкат Назаров раислик қилган мазкур кенгаш қатнашчилари туризм ва ўлкашунослик масалалари бўйича қизғин фикрлашдилар ҳамда тажриба алмашдилар.

Исмоил ОЛЛОБЕРГАНОВ.

MMM

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Каттақўрғон педагогика билим юртида 1997 йилги қишлоқ хўжалик ишлари якунига бағишлаб Ҳосил байрами ўтказилди. Унда туманнинг «Бўстон», «Зарафшон», «Узбекистон» жамоа хўжалигидан вакиллар ҳам иштирок этдилар. Байрамда илғор талабаларга ва ўқитувчиларга меҳнатда ўрнак бўлгани учун қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

М. ҲАҚБЕРДИЕВ.

ХАБАРЛАРИ

ЗАМОН ТАЛАБИ

(Боши 1-бетда).

ган фанларнинг сони қанча бўлиши кераклигини аниқлаб, ҳар бир фаннинг ўқув соатларини ҳам қатъий белгилашимиз лозим. Энг асосийси, фанларнинг бир-бирини такрорлашга йўл қўймаслигимиз керак. Бу соҳада республика олий ўқув юртларида жиддий нуқсонлар мавжуд эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Шу муносабат билан мен ижтимоий-гуманитар фанлар ва уларнинг ўқитилиши ҳақидаги баъзи бир шахсий мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман.

Маълумки, ҳозирги кунда олий ўқув юртларида амал қилаётган таълим режасига кўра, биринчи блокдаги ижтимоий фанлар сони 16 та фандан иборат. Ҳолбуки, олдинги даврда ижтимоий фанлар сони фақат 4 та, 6 та эди. Ҳозирги ўқув режасига кўра, бу фанларга ажратилаётган соатлар ҳажми 25-30 фоизни ташкил қилади. Бу ҳолат **жаҳон стандартлари даражасига асосан мос келади.**

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, муайян фанларда мазмунан бир-бирини такрорлайдиган томонлари кўп. Шунинг учун ҳам баъзи ҳолларда талабалар муайян фанларнинг айримларини тўла даражада қабул қилаётганлари йўқ. Синов ёки имтиҳон топшириш мажбурий бўлганлиги учунгина улар дарсларга қатнашадилар.

Менинг назаримда, биринчи ўринда турган ижтимоий блокдан ўзбек ва хорижий тилларни, педагогика, психология, жисмоний тарбия каби яна баъзи фанларни умуммиллий фанлар блокига киритиш зарур. Кейинги йилларда ижтимоий фанлар қаторига «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти», «Маънавият ва маърифат асослари» каби янги фанлар киритилди. Ундан ташқари Президентимизнинг кейинги йилларда чоп этилган китоблари бўйича махсус дарслар ўтилмоқда.

«Маънавият ва маърифат асослари» курсининг ўқув дастури ахлоқшунослик, маданиятшунослик, диншунослик ва эстетика фанлари асосида яратилди. Шунинг учун юқорида қайд этилган 4 та фанни қисқартиб, муайян фанларга ажратилган соатларни «Маънавият ва маърифат асослари» фанига бермай, бу фанни жуда ҳам юксак даражада ўқитиш керак.

«Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанини ҳам пухта ўйлаб, бир қарорга келиш керак. Чунки муайян фаннинг дастури ҳам, асосан, Ўзбекистон тарихи, ҳуқуқшунослик, фалсафа, иқтисодиёт назарияси ва сиёсатшунослик фанлари негизида яратилган. Шуни эътиборга олиб мен муайян фанни махсус курс сифатида ўқитилишини тавсия этган бўлардим. Бу ўринда шундай ном билан ҳар бир олий ўқув юртларида амалий тадбирлар ўтказувчи марказ ташкил қилинганини ҳисобга олмаслик ҳам мумкин эмас.

Яна бир мулоҳаза борки, у Ўзбекистон тарихи ҳақида. Ўрта мактабни битириб, олий ўқув юртига кирган ҳар бир талаба ўрта мактабда 400 соат ҳажмида тарих фанини ўқиб келади. Шундан аксарият қисми Ўзбекистон тарихини ташкил қилади. Шуни эътиборга олиб олий ўқув юртларида Ўзбекистон тарихи фанини назарий жиҳатдан анча юксак даражада ўқитиш талаб қилинади. Муайян фан бўйича ҳозирги кунда амал қилинаётган ўқув дастури кўп жиҳатдан ўрта мактаб дастурини такрорлайди.

Шундай қилиб, олий ўқув юртларида ўқитилаётган ижтимоий-гуманитар фанлар 8 та предметдан иборат бўлиб, улар қуйидаги тартибда ўқитилиши лозим деб ўйлайман:

1. Ўзбекистон тарихи; 2. Иқтисодиёт назарияси; 3. Маънавият ва маърифат асослари; 4. Фалсафа; 5. Логика; 6. Ҳуқуқшунослик; 7. Сиёсатшунослик; 8. Социология.

Энг асосийси, ҳеч қачон фанлар бир-бирини такрорламаслигига эришишдир. Акс ҳолда талабаларда муайян фанга ҳурматсизлик кайфияти туғилиши табиий. Шунинг учун ҳамма вақт ижтимоий фанлар ўқув дастурларини тузганда масаланинг шу томонини ҳисобга олмоқ керак.

И. ЖУМАБОЕВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

Qutlug' ostona

7 ЁШЛИ 3-СИНФ ЎҚУВЧИСИ

Рости уни илк дафъа учратганимда мир Алишер Навоийнинг болалиги ҳақидаги ҳикоятлар ёдимга тушди. Камгап, лекин теран фикрли, иқтидор соҳиби Асқаржон Қоракулов билан суҳбатлашишдан олдин у сабоқ олаётган Жарқўрғон туманидаги 45-мактаб директори Алишер Эргашевдан Асқаржон ҳақида ҳикоя қилиб беришини илтимос қилдим. «1995 йил май ойида мактаб ҳовлисига кириб келаётган жажжи болакай диққатимни тортди. Уни ёнимга чорлаб, мактабга қандай юмуш билан келганлигини сўрадим. Болакай 1-синфда акаси ўқиётганлигини, ундан ўқиш учун китоб олмоқчи бўлганлигини билдирди. Мен эса ишонқирамай унга китоб ўқитиб кўрдим. Жажжигина илм шайдоси имтиҳонни аъло баҳога топширди. Ўша йили сентябрда комиссия қарори асосида мактабга қабул қилинди. Ҳозир Асқаржон 7 ёшда, акаси билан 3-синфда ўқимоқда. Дунёқараши кенг, хотираси кучли. Ёзги таътилда 3-синф китоблари билан танишиб чиққанлиги боис, уни янги-янги мавзулар қизиқтиради. Анча шеърларни ёддан билади. Асқаржонни шунчалик яхши биламанки, унга алгебра, физика, химия фанларидан дарс берилса ўзлаштириб кетади. У шунга тайёр».

Келинг, энди ёш билимдонимиз Асқаржоннинг ўзини суҳбатга тортайлик.

— Асқаржон, сен дунёда кимни ва нимани ёмон кўрасан?

— Ёлғончиларни ва ўғирликни.

— Жарқўрғон туман ХДПси томонидан сенга стипендия берилар экан. Пулга кўпроқ ширинликлар оласанми, китобларми?

— Стипендиямга онам дафтар-қалам, янги китоблар олиб беради.

— Ҳамма нарсадан кимни ва нима яхши кўрасан?

— Ота-онамни ва Ўзбекистонни.

— Мактабни битиргач, қаерда ўқишни хоҳлайсан ва нима учун?

— Тошкентда, чунки у чиройли шаҳар.

— Асқаржон, сени бирон киши хафа қилганми?

— Йўқ, ҳатто қаттиқ гапирмаган ҳам.

— Синфдошларинг сендан икки ёш катта экан. Сен эса синфбошисан, қийин эмасми?

— Биласизми, улар ҳаммаси мени ҳурмат қилишади.

— Камдан-кам учрайдиган ҳолат: аканг билан синфдошсизлар. Ўқишда ким-кимга ёрдам беради.

— Акам ҳам аълочи. Тушунмаган нарсаларни бир-биримизга ўргатамиз.

— Ҳаётда кимга ўхшашни хоҳлайсан.

— Мактабимиз директори Алишер акага. У киши ҳаммага ёрдам берадилар.

Суҳбатдош Ж. УСМОНОВ.

Суратда жажжи билимдон Асқаржон Қоракуловни кўриб турибсиз.

Гулнора Икромова Жиззах индустриал педагогика техникумида анча йиллардан буён дарс беради. Унинг дарслари кўргазмалилиги ва кенг қамровлилиги билан бошқаларникидан фарқланиб туради.

Суратда: фидойи муаллима Г. Икромова навбатдаги дарсни қўшимча адабиётлар ёрдамида олиб бораяпти.

Р. СОДИҚЗОДА олган сурат.

Дунёда ҳамма нарса ўзгаради. Нимадир яратилади, нимадир унутилади. Нималарнингдир эса қадри ҳамиша юксак бўлади. Шундайин қадриятлар борки, уларнинг аҳамияти ҳеч қачон завол кўрмайди. Маърифат, маориф — инсоният ҳаётидаги мана шундай улуғвор ҳодиса. Бир-бирига эш, йўлдош бу каби ҳодисалар барча даврларда кишилар учун ҳаёт чироғи бўлиб келади. Бу чироқ хира тортган чоқда одамлар турмушидан файз кетади. Миллат дину иймонига путур етади. Мамлакат иқтисодиётида таназзул бошланади.

Туркистон Русия мустамлакасига тушиб қолгач, бу юртнинг чироқлари хира торта бошлади. Умидсизликдан, иложсизликдан маҳаллий аҳоли иллатлар гирдобига тушди. Илму маърифатдан узоқлашиш оқибатида бу юртдаги аҳли ислом дунё тараққиётидаги ўзгаришлардан ортда қолди. Одамлар ўз куч-қуввати, иқтидорларини фойдали, улуғвор ишларга йўналтириш имкониятларини йўқотиб қўйганидан турли бидъат, бемаъни маишатларга ружу қўйишга одатланди. Бироқ барча нарсанинг яратгувчиси Туркистоннинг хира тортган чироқларини нурлантирадиган кучларни ҳам воя-га етказди. Улар жадидлар номи билан майдонга чиқди. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний каби сиймолар Турон элларига худонинг бир марҳамати бўлди. Бу зотлар Туркистоннинг умидсизлик ва бидъат ботқоғига ботган қавмларини илму маърифатга даъват этди. Бу масалада Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам улар билан ҳаммаслак бўлди. У элнинг ўғил-қизларига илму маърифат етказиш учун мактаблар очди, муаллимлик қилди, дарсликлар яратди. Мазлум Туркистон фарзандларини:

Эй ўғил, дунёда бўлмоқ истасанг олижаноб,
Ўқигил мактаб келиб, зинҳор ўқи, минг бор ўқи! —

деб илм ўрганишга даъватлади. Ҳамзанинг:

Ҳар муроду мақсадингга етмоқ истарсан мурод,
Кўз очиб бедор бўл, даркор илм, даркор илм!

деган сўзлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Чунки баъзилар илмнинг даркорлигини, мактаб миллат келажагини улғайтирадиган муқаддас маскан эканлигини билса-да, эътиборсиз қарамоқда. «Мактабга бориб мамлакат олиб берармидинг», дея фарзандининг ўқишига бепарво қа-

ДУНЁДА БЎЛМОҚ ИСТАСАНГ...

райдиган ота-оналар ҳали ҳам учрайди. «Ўғлим-қизим ўқийди» деб умрида битта китоб олмаганлар анча-мунча топилади. Мактабга, муаллимга менсимай қарайдиганлар ҳозир йўқ, деб бўлмайди. Молу пулига мағрурланиб, «мактаб, муаллим» сўзларини беписанд «ҳа, энди...» деб эснаб айтадиганлар Ҳамза замонида эмас, XX аср адоқларида ҳам ҳар қалай топилади.

Мамлакат мустақил, миллат ҳур, озод бўлган бўлса-да, Туркистон аҳлининг турмуш тарзида XX аср охирида ҳам маиший бидъатлар буткул барҳам топган эмас. Дабдабаю асъаса билан ким ўзарга тўй-маросим ўтказишлар ёнига энди «Лимузин» келтириб, видеога туширмаса, туғруқхонадан мутлақо чиқмайман» дейдиган таннозлар тантанаси қўшилди. Ашаддий шуҳратпараст бу «шафтоли гул»лар кўплаб ёш қўнгилларни шикаста қилмоқда. Ёшларнинг илм йўлидан узоқлашиб кетишига, «пул — подшо» деган кайфиятнинг кенг ёйилишига маълум асос бўлмоқда.

Алдашнинг одатий ҳолга айланиши ҳам илму маърифатга беписанд қарашдан келиб чиқади. Чунки бировни алдаб, ўз молини ўтказиб ором олаётган одам бу иши билан ўзига катта бир фалокат тайёрлаганини ўйламай қўяди. Китоблар дунёсидан узоқлашган одамларнинг виждони карахтлашади, иймони сусаяди. Бунинг оқибати эса ҳамиша «вой» бўлади.

XX аср бошидаги Туркистон маърифатпарварлари, хусусан, Фитрат, Чўлпон, Ҳамза миллатимиз ёшлари маърифатсизлигидан мардикорликдан бўлак ишга ярамай қолди, деб фарёд чеккан. Бугун ҳафталаб, ойлаб мактабга бормасдан бозорнинг у четидаги нарсани бу четига олиб бориб сотиб, элни алдаётганлар умр бўйи даста-даста пул топиб яшармикан?! Бунинг кафолати борми? Бозорни бахти деб билиб, «пул касаллиги»дан азоб чекадиганлар элига, юртига қанча наф келтиради?

Илму маърифат миллатни улғайтирадиган беқиёс қудрат деб билганлар сафида бўлган Ҳамза:

Оламнинг хуршиди кундир, одамнинг хуршиди илм,
Оламнинг зулмати тундир, одамнинг нодири илм, —

деган. Оламнинг қуёши — кун. Одамнинг офтоби — кун. Дунёнинг зулмати — тун. Инсоннинг зулмати — илмсизлик. Бу улуғ ҳақиқатлар эскирган эмас. Илму маърифат инсоният учун ҳамиша абадий таянч, мангу қадрият бўлиб қолади.

Абдулла УЛУҒОВ.

Seminar kengash

КУН ТАРТИБИДА КУТУБХОНАЛАР ИШИ

Самарқандда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги даврида педагогик кутубхоналар олдига қўйилган янгича талаблар» мавзуида уч кунлик семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унга республикамизнинг барча вилоятларидаги педагогик ходимлар малакасини ошириш институтлари кутубхоналари, шунингдек, Самарқанд вилоятидаги энг илғор мактаб нурхоналарининг мудирлари иштирок этишди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари дастлаб Республика илмий педагогик кутубхонасининг мудири Раиса Ратнернинг «Педагогик кутубхоналар ишини ташкил қилишнинг ҳозирги давр талаблари» мавзуидаги маърузасини тинглашди ва бу масала юзасидан қизғин фикр алмашдилар.

Шундан кейин Р. Ражабованинг «Янги олинган педагогик адабиётлар кўргазмаси ва библиографик таҳлил», Р. Ҳасановнинг «Педагогик адабиётларни тарғибот қилиш ва ўқитувчиларга хизмат қилишнинг ҳозирги давр талаблари», А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтининг етакчи услубчиси М. Назарованинг «Халқ таълими мутахассисларига ёрдам беришда туман, шаҳар ХТБ кутубхоналари ишини тўғри ташкил қилишнинг аҳамияти тўғрисида»ги маърузаларини мамнуният билан қарши олишди.

Боғишамол туманидаги 45-мактаб кутубхонаси иш тажрибаси мисолида И. Р. Афанасьева, И. В. Храмоваларнинг «Мактаб ўқитувчиларига кутубхоначилик — библиографик хизмат кўрсатиш» мавзусидаги чиқишлари ҳам семинар-кенгаш иштирокчиларини бефарқ қолдирмади.

40-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида буюк шоир, адабиётшунос олим ва адиб Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий-бадиий дастури мароқ билан томоша қилинди.

Семинар-кенгаш сўнгида 1998 йилга мўлжалланган машғулотлар дастури муҳокама қилинди.

Турсуной ИСМОИЛОВА,
Тошкент вилояти ПХМОИ «Ахборот ва тарғибот» бўлими ходими.

ВАЗИРЛИКДА ШТАБ ТУЗИЛДИ

Metall Vatanga

Аввал хабар қилинганидек қора ва рангли металл парчаларини қайта ишлаш қувватини ошириш, ҳамда республика хомашё заҳираларидан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 15 ноябрдаги фармойишига асосан Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошчилигида қора ва рангли металл парчаларини тайёрлаш ва топширишни назорат қилиш бўйича Республика комиссияси ташкил этилди. Мазкур комиссия зиммасига қора ва рангли металл парчаларини йиғиш ва қайта ишлашга топшириш ишларининг боришини ҳар ойда атрофлича муҳокама этиш, аҳволни яхшилаш бўйича зарурий чоралар кўриш вазифаси юклатилган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Қора ва рангли металл парчаларини топшириш бўйича давлат буюртмаларини бажаришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» буйруқ қабул қилди.

Шунга кўра вазирлик қошида вазир ўринбосари Муртазо Султонов бошчилигида штаб тузилди. Штабга вазир ўринбосари Хайриддин Маъсудов (штаб бошлиғининг муовини), Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Ўзбекистон ХТВ бошқармалари бошлиқлари, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бошқармалари бошлиқлари, педагогик газеталар муҳаррирлари аъзодирлар. Штабнинг вазифаси қора ва рангли металларни йиғиш ва давлатга топшириш ишларини кундалик назорат қилишдир.

Ҳар бир вилоятда эса ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, жавобгар шахслар белгиланди. Режани бажариш муҳлати 15 майгача белгиланди. «Режани муддатидан илгари ошириб бажарган раҳбарларни икки ойлик маош миқдорида мукофотлаш»га рухсат берилди.

Вилоятлардаги ишчи гуруҳлар эса ҳар ой вазирлик штабига ишнинг бориши тўғрисида ахборот бериб турадилар.

Қуйида режалар билан танишасиз.

МУХБИРИМИЗ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҚОРА ВА РАНГЛИ МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИНИ ТОПШИРИШ БЎЙИЧА 1998 ЙИЛГИ РЕЖА ТОПШИРИҒИ

Ташкилотларнинг номи	Қора металл (тонна)	Рангли металл (кг)
1	2	3
Андижон ВХТБ (ХТБЮ)	700	8000
Андижон пед. билим юрти	40	150
Асака пед. билим юрти	40	150
Бўз пед. билим юрти	40	150
Андижон индустриал Педагогика техникуми	40	150
Вилоят «таълим-таъминот» корхонаси	10	100
Андижон хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	—
Жаъми	**880**	**8700**
Бухоро ВХТБ (ХТБЮ)	700	6000
Бухоро пед. билим юрти	40	150
Бухоро индустриал педагогика техникуми	40	150
Вилоят «таълим-таъминот» корхонаси	10	100
Бухоро хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	—
Жаъми	**800**	**6400**
Қашқадарё ВХТБ (ХТБЮ)	650	600
Қарши пед. билим юрти	40	150
Шаҳрисабз пед. билим юрти	40	150
Вилоят «таълим-таъминот» корхонаси	10	100
Қарши хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	—
Жаъми	**750**	**6400**
Наманган ВХТБ (ХТБЮ)	650	7000
Чуст пед. билим юрти	40	150
Наманган пед. билим юрти	40	150
Косонсой пед. билим юрти	40	150
Вилоят «таълим-таъминот» корхонаси	10	100
Наманган хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	—
Жаъми	**790**	**7550**
Самарқанд ВХТБ (ХТБЮ)	650	10000
2-Самарқанд пед. билим юрти	40	150
1-Самарқанд пед. билим юрти	40	150
Беруний номли пед. билим юрти	40	150
Каттақўрғон пед. билим юрти	40	150
Вилоят «таълим-таъминот» корхонаси	10	100
Самарқанд хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	—
Самарқанд ҳарбий касбга йўналтириш бўйича Республика лицейи	10	—
Жаъми	**840**	**10700**
Сурхондарё ВХТБ (ХТБЮ)	500	7000
Термиз пед. билим юрти	40	150
Ангор пед. билим юрти	40	150
Денов пед. билим юрти	40	150
Вилоят «таълим-таъминот» корхонаси	10	100
Сурхондарё хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	—
Жаъми	**640**	**7550**
Сирдарё ВХТБ (ХТБЮ)	350	3000
Сирдарё пед. билим юрти	40	150
Гулистон пед. билим юрти	40	150
Вилоят «таълим-таъминот» корхонаси	10	100
Сирдарё хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	—
Жаъми	**450**	**3400**
Навоий ВХТБ (ХТБЮ)	500	5000
Навоий давлат пединститути	100	300
Навоий пед. билим юрти	40	150
Вилоят «таълим-таъминот» корхонаси	10	100
Навоий хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	—
Жаъми	**650**	**5550**
Фарғона ВХТБ (ХТБЮ)	650	8000
Қўқон давлат пединститути	100	300
Қўқон пед. билим юрти	40	150
Марғилон пед. билим юрти	40	150
Фарғона «таълим-таъминот» корхонаси	10	100
Қўқон «таълим-таъминот» корхонаси	10	100
Фарғона ҳарбий касбга йўналтириш лицейи	10	—
Фарғона хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	—
Жаъми	**870**	**8800**
Хоразм ВХТБ (ХТБЮ)	600	5000
Хива пед. билим юрти	40	150
Вилоят «таълим-таъминот» корхонаси	10	100
Ургенч ҳарбий лицейи	10	—
Хоразм хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	—
Жаъми	**670**	**5250**
Қорақалпоғистон РХТВ (ХТБЮ)	700	9000
Нукус давлат пединститути	100	300
Нукус пед. билим юрти	40	150
Хўжайли пед. билим юрти	40	150
Беруний пед. билим юрти	40	150
Чимбой пед. билим юрти	40	150
Қорақалпоғистон «таълим-таъминот» корхонаси	10	100
Қорақалпоғистон хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	—
Жаъми	**980**	**10000**
Жиззах ВХТБ (ХТБЮ)	450	5000
Жиззах давлат пединститути	100	300
Жиззах пед. билим юрти	40	150
Вилоят «таълим-таъминот» корхонаси	10	100
Жиззах хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	10	—
Жаъми	**610**	**5550**
Тошкент ВХТБ (ХТБЮ)	700	8000
Тошкент вилоят давлат пединститути	100	300
Ангрен пед. билим юрти	40	150
Тошкент вилояти пед. билим юрти	40	150
Бекобод пед. билим юрти	40	150
Вилоят «таълим-таъминот» корхонаси	10	100
Жаъми	**930**	**8850**
Тошкент шаҳар ВХТБ (ХТБЮ)	700	10000
Тошкент давлат пединститути	100	300
1-Тошкент педагогика пед. билим юрти	40	150
2-Тошкент педагогика пед. билим юрти	40	150
Ражабий номли пед. билим юрти	40	150
Республика ўқув ишлаб чиқариш маркази (РУПЦМ)	40	150
Республика ўқув ишлаб чиқариш маркази (РУПЦНТ)	40	150
Республика ўқув ишлаб чиқариш маркази (РУПЦ)	25	100
Каланов номли информацион технологиялар бўйича Республика касб-ҳунар лицейи	40	150
Тошкент индустриал педагогика техникуми	40	150
Республика мусиқачилар тайёрловчи мактаб интернати	10	—
Тошкент ҳарбий касбга йўналтириш бўйича Республика лицейи	40	200
Республика Нафис санъат лицейи	10	—
Авлоний номли халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти	10	—
Республика ҳунар-техника ходимлари малакасини ошириш институти	10	—
«Таълим-таъминот-жиҳоз» Республика корхонаси	10	—
«Таълим-қурилиш-таъминот» Республика корхонаси	10	—
Ижтимоий йўналишдаги Республика махсус гимназияси	10	—
АЖ «Узбекучавтоматика»	20	100
Жаъми	**1245**	**11750**

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ироқни қуролсизлантириш бўйича қўмитаси раҳбари Ричард Батлернинг сўзларига қараганда унинг Боғдодда олиб борган музокаралари деярли ҳеч бир натижа бермаган. Ироқ Бош вазирининг ўринбосари Тариқ Азиз билан учрашувларидан сўнг, жаноб Батлер Ретерс ахборот агентлигига берган интервьюсида, Ироқ томонидан биологик қуроллар бўйича тақдим қилинган баёнот тўлиқ ахборотларни ўз ичига олмаганлигини айттан ва кимёвий қуроллар бўйича муаммо ҳам долзарблигича қолаётир, деб айтган.

***

Россия Бош вазири Виктор Черномирдин Туркияга буюрган икки кунлик ташрифи чоғида икки давлат ўртасида иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга чақирган. Бу, Совет Иттифоқи қулаганидан бери юқори лавозимли Россия маъмурининг Туркияга илк ташрифидир. Жаноб Черномирдин Туркия Бош вазири Маъсуд Елмаз билан учрашиб, ўн уч миллиард АҚШ долларига тенг шартномани имзолаши кутилмоқда. Шартномага кўра Туркия Россиядан айни маблағга тенг табиий газ сотиб олади. Ушбу ташриф Туркия Овропа иттифоқининг номзод давлатлар қўмитасига аъзолигини рад этгандан сўнг бошланган.

«Би-би-си» (Лондон).

***

Ўтган май ойида Муҳаммад Хотамий Эрон Президенти ўлароқ сайланганидан кейин Америка Қўшма Штатлари билан Эрон ўртасида яширин учрашув бўлганлигига доир рапорт берилган.

***

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ташкилотига аъзо тўққизта мамлакатнинг раҳбарлари бугун норасмий йиғилиш ўтказиш мақсадида Малайзияда учрашишди.

«Америка овози» (Вашингтон).

Diqqat, tanlov!

«МЕН СОЛИҚЛАР ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМАН?»

Биз ҳаммамиз солиқлар ҳақида нималарни биламиз? Фақат мутахассисларгина юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўпланиб, республика бюджети ва маҳаллий бюджетларга келиб тушадиган бевосита ва билвосита солиқлар мавжудлигини дарҳол айтишлари мумкин.

Кўпчилигимиз эса?.. Даромад солиғи эсга тушади — чунки у муайян даражада иш ҳақимизга таъсир этади. Солиқчилар мол-мулк солиғини тўлаш учун билдирувнома тарқатадилар, хусусий уй эгалари ер солиғи ҳам тўлайдилар. Яна-чи?.. Дарвоқе, товарларда акциз маркаларини кўрганмиз, демак акциз солиғи ҳам бор.

Кўп эмас. Тан олиш керак — зарур бўлганидан ҳам камроқ нарса биламиз. Болаларимиз-чи?.. Солиқ маданиятини эгалламай туриб, маърифатли дунёга чиқиш қийин. Бу шиор эмас — шунчаки давр талаби.

Ўқувчиларга зарур иқтисодий билимларни бериш учун республикада кўп ишлар қилинмоқда — иқтисодий синфлар, коллежлар, лицейлар ташкил этилмоқда, турли хил (шунингдек солиқ идоралари ҳомийлигида) бизнес-дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бугун эса, биз Ўзбекистонда биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, «Солиқлар ва божхона хабарлари» газетаси таҳририяти томонидан, ЎзР Халқ таълими вазирлиги, Бозор қўниқмаларини ривожлантириш маркази (TACIS) ва АҚШнинг Ўзбекистондаги Тинчлик корпуси кўмагида республика мактаб ўқувчиларининг «Мен солиқлар ҳақида нималар биламан?» танлови бошланганини эълон қиляпмиз.

Бу танловдан мақсад — ёшларнинг билимини текшириш эмас, балки уларга солиқ қонунлари асослари ҳақида билим бериш. Худди шундай бўлиши тайин: зеро танловнинг I ва II босқичлари саволларига уйда ва кутубхонада бўлиб, дарсликлар, услубий, меъёрий адабиётларни ўқиб, ота-оналар ва ўқитувчилар ёрдамидан фойдаланиб жавоблар тайёрланади.

I босқич саволлари «Солиқлар ва божхона хабарлари» газетасининг иловасида эълон қилинмоқда.

Бу саволлар, расмий тил билан айтганда, жисмоний шахслар учун, оддийроқ айтганда — ҳамма ва ҳар бир киши учун мўлжалланган. У кўп нусхада чоп этилмоқда. Қўшимча 20 минг нусха Давлат солиқ қўмитаси томонидан сотиб олиниб, кутубхоналар, мактабларга бепул берилади, солиқ инспекцияларига тарқатилади.

Тайёрланган жавоблар «Солиқлар ва божхона хабарлари» таҳририятида 1998 йил 15 январгача қабул қилинади.

Ҳар бир тўғри жавоб учун, мураккаблигига қараб, 5 баллдан 10 баллгача баҳо қўйилади (бу рақамлар ҳар бир савол ёнига қўйилган). Ҳамма саволларга тўғри жавоб бериб, энг юқори — 507 балл тўплаш мумкин. Жавобларга берилган изоҳлар, шахсий фикрлар, эҳтимол уларнинг айтилган муаммолар ва ечимлар бўйича таклифлари учун қўшимча 100 балл берилиши мумкин.

Энг кўп балл тўплаган иштирокчилардан 100 нафари II босқичда иштирок этадилар.

Учинчи, тугалловчи босқичда 15 ўқувчи Тошкентда учрашадилар. Уларга шахсий компьютер саволлар беради. Бу ерда ҳеч қандай адабиётларсиз, ҳеч кимнинг ёрдамидан фойдаланмай, ҳар бир саволга илова қилинган учта жавобнинг битта тўғрисини топа билиш керак. «Мен солиқлар ҳақида нималарни биламан?» республика танловининг уч ғолиби шу тарзда аниқланади. Тантанали маросимда ғолибларнинг ҳар бирига қиймат-баҳо совринлар, сўнгги босқичнинг ҳар бир иштирокчисига ажойиб совғалар топширилади. Бозор қўниқмаларининг ривожлантириш марказининг компьютер курсларида бепул ўқиш сингари алоҳида совринлар ҳам бўлади.

Юқори синф ўқувчилари тез кунларда мустақил ҳаётга қадам қўядилар. Танловимиз уша қадамнинг мустаҳкам бўлишига замин яратади.

«Солиқлар ва божхона хабарлари». 1997 йил 27 ноябрь — 3 декабрь.

АКАДЕМИЯДА МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ

«Таълим тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида

Магистрлик диссертацияси ҳимояси жараёни. Тингловчилар ўқиш давомида олган билимларини мустаҳкамлаш, келгусидаги ишлари учун амалиёт ва ташкилотчилик, бошқаришни ва меҳнатни илмий ташкил қилиш қўникмалари ҳосил қилиш ва магистрлик диссертацияси ишлари учун керакли материалларни тўплаш учун корхоналарга 1 ойлик амалиётга юборилади. Амалиёт шахсий режа асосида амалга оширилади. Тингловчилар хисоботи кафедраларда муҳокама қилингандан сўнг магистрлик диссертацияси ҳимояга қўйилади.

Тугалланган магистрлик диссертацияси ҳимоя ҳайъатига тавсия этилади. Ҳимоя ҳайъати таркибида магистрлик диссертациясига қўйиладиган талабларни кучайтириш мақсадида: ҳар бир тор соҳалар бўйича камида 3 та мутахассис ва Академияда фаолият юритаётган Ихтисослашган кенгаш аъзолари қатнашиши кўзда тутилган ҳолда тузилади, бу диплом ишлари ҳимояси жараёнидаги ҳимоя ҳайъати таркибига кўра анча нуфузли ва Академия Илмий кенгаши томонидан тасдиқланади. Ҳимоя кенгаши академия Илмий кенгашининг таркибий қисми ҳисобланади. Магистрлик диссертацияси тегишли кафедра мажлисида ёки узаро ихтисоси яқин кафедраларнинг қўшма йиғилишида муҳокама этилгач, ушбу йиғилишнинг ҳимояга тавсия ҳақидаги мажлис баённомаси ҳамда илмий раҳбарнинг ёзма хулосаси асосида ҳимоя ҳайъати магистрлик диссертациясини тугалланган иш сифатида қабул қилади. Ҳимоя ҳайъати диссертация муҳокама этилган кафедра таклифини хисобга олган ҳолда оппонентларни тайинлайди. Ҳимоя кунини белгилайди. Ҳимоя жараёни учун шароит яратади. Ҳимоя жараёни қизғин, эркин мунозара, фикр алмашув руҳида ўтишини таъминлайди. Ҳимоя жараёнини Ҳимоя ҳайъати раиси ва котиби ташкил этади, бошқаради. Ҳимоя жараёнида Ҳимоя ҳайъати котибининг расмий маълумотномаси, илмий раҳбарнинг хулосаси, битирувчининг магистрлик диссертацияси асосида тайёрлаган маърузаси, расмий оппонентларнинг тақризлари тингланади. Ҳимоя жараёни асосида ҳимоя ҳайъати баённомаси тузилади. Ҳимоя жараёни билан боғлиқ ҳужжатларни ҳимоя ҳайъати котиби юритади ва бу ҳужжатлар кейинчалик Академия ҳужжатгоҳида сақланади. Устоз-мураббийлар ва тингловчиларнинг норасмий оппонент сифатидаги чиқишларига ҳам имконият берилади. Лекин чиқишларнинг сунъий равишда кўп уюштирилишига йўл қўйилмайди. Савол-жавоб ва мунозаралардан сўнг ҳимоя якунланади.

Магистрлик диссертациясининг баҳоланиши. Низомнинг ушбу боби жуда катта узгаришларга учради. Диплом иши баҳоланишининг аввалги услуби «қониқарсиз»дан то «аъло»гача булган баҳолар системасига асосланган эди. Узгаришлар қуйидагилардан иборат: магистрлик диссертацияси ҳимоя ҳайъати аъзолари томонидан яширин овоз бериш йули билан баҳоланади. Овоз бериш бюллетень воситасида ўтказилади. Ҳар бир ҳимоя куни учун тингловчилар исми-фамилияси курсатилган битта бюллетень тузилади (5-илова).

5-илова

БЮЛЛЕТЕНЬ

_____
(факультет номи)

ҳимоя ҳайъатининг 199____ йил «____» _____ даги мажлиси _____ сонли баённомасига оид

Т.с.	Магистрлик даражасига даъвогарнинг исми, шарифи	Овоз бериш натижалари*
1.		Розиман Рози эмасман
2.		Розиман Рози эмасман
3.		Розиман Рози эмасман
4.		Розиман Рози эмасман
5.		Розиман Рози эмасман
6.		Розиман Рози эмасман
7.		Розиман Рози эмасман

*Керак эмаси ўчирилади.

Ҳисоб комиссияси (камида уч киши) яширин овоз беришдан аввал ҳайъат аъзоларининг кўпчилик овози билан сайланади.

Овоз берувчи «Овоз бериш натижалари» устунидаги ҳар бир битирувчининг исми-фамилияси рупарасидаги узи кераксиз деб ҳисоблаган сўзларни учиради ва бюллетенни муҳрланган қутичага ташлайди.

Овоз бериш тугагач, ҳисоб комиссияси аъзолари қутичани очиб, бюллетенларни санайдилар ва овоз бериш натижалари юзасидан баённома тузадилар (6-илова).

6-илова

Ҳайъат сайлаган ҳисоб комиссияси мажлисининг _____сонли баённомаси

199_____йил «_____» _____Я_____Тошкент шаҳри

Сайланган комиссия таркиби _____

_____

_____
(ф.и.о.)

Комиссия Академия тингловчиларининг магистрлик даражасини олишга қўйилган диссертацияси юзасидан яширин берилган овозларни санаш учун сайланган.

Ҳайъат таркиби _____ кишидан иборат қилиб тасдиқланган.
Мажлисда _____ та бюллетень тарқатилди.
_____ та бюллетень тарқатилмай қолди.

Овоз бериш натижалари:

Т.с.	Ф.И.О.	Рози	Рози эмас	Яроқсиз бюллетень	НАТИЖА (ёқлади, ёқлай олмади)

Ҳисоб комиссиясининг раиси _____ _____
(имзо) (ф.и.о.)

Комиссия аъзолари: _____ _____
_____ _____
(имзо) (ф.и.о.)

Мажлисда қатнашган ва ҳал қилувчи овозга эга бўлган ҳайъат аъзоларининг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берса, ҳайъат магистрлик даражаси бериш масаласи юзасидан ижобий қарор чиқаради. Натижа салбий бўлган тақдирда, битирувчи диссертацияни камида икки ой муддат ўтгач қайтадан ёқлаши мумкин.

Ҳисоб комиссияси баённомаси тасдиқланади.

Ҳар бир ҳимоя куни якунида натижалар эълон қилинади.

Магистрлик диссертацияси натижалари. Чинакам илмий-ижодий иш сифатида ёзилган магистрлик диссертациялари из қолдиришига ҳаракат қилинади. Юқори даражада ёзилган магистрлик диссертациялари муаллифлари мазкур тадқиқотларини такомиллаштириш мақсадида аспирантура ёки докторантурага (фан номзодлари) тавсия этилади. Мукаммал ёзилган магистрлик диссертацияларини, қайта ишлаб такомиллаштириш мақсадида, махсус илмий даража учун ҳимояга тавсия этиш ҳам мумкин. Яхши ёзилган магистрлик диссертацияларини алоҳида китоб ҳолида ёхуд ихчамлаштириб, йирик мақола сифатида Академия режаси асосида нашр эттириш кўзда тутилади. Юқори даражада магистрлик диссертацияси ёзган битирувчилар келгуси иш фаолиятлари ривожи учун муҳим имтиёзга эга бўладилар.

Ушбу мақола доирасида шуни таъкидлаш жойизки, магистрлик диссертацияси бўйича Низомни ишлаб чиқишда Академияда тузилган ишчи гуруҳи самарали фаолият юритди. Натижада мақолада баён этилган Низом юзага келди. Албатта, у янгилик бўлиб, газетхонларда турли фикр — мулоҳаза уйғотиши табиий. Биз Низом бўйича вужудга келувчи барча истакларни инобатга олишга тайёрмиз. Бунинг учун манзилимизни эслатиб қўямиз: 7000003 Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45 уй, Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси.

Рустам ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси I-проректори, сиёсий фанлар доктори.

(Охири. Боши газетамизнинг 95, 96-сонларида).

Yangi kitob

БЕҲБУДИЙНИНГ «ТАНЛАНГАН АСАРЛАР»И

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ким эканлиги миллатга маълум бўлиб қолди. У ҳақда кўп мақолалар ёзилди, рисолалар чоп этилди, тадқиқотлар олиб бориляпти. Бироқ шу пайтгача унинг қаламига мансуб асарлар алоҳида китобга жамланиб, миллатнинг ҳукмига ҳавола этилмаганди. Шу мурод ҳосил бўлди. Бу янги ташкил этилган «Маънавият» нашриётининг биринчи булсада, улуг иши бўлибди. Китобхон эзга қилинган мурожаатдаёқ буни англаши табиий: «Қўлингиздаги ушбу китоб нашриётимизнинг дастлабки маҳсулотидир. Уни янги ўзбек мактаби, матбуоти, театри бешигини тебратган, 10-йиллардаёқ «Беҳбудия нашриёти»ни ташкил этиб, дарсликлар чиқаришни йўлга қўйган буюк маърифатчи бобомиз асарларидан бошламоқдамиз». Нашрга тайёрлаган, тўплаган, изоҳлар ёзган ва сўзбоши муаллифи — беҳбудийшуносликка катта ҳисса қўшган олим, филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимовдир.

Китобда биринчи ўзбек драмаси булмиш «Падаркуш» асари берилган. Беҳбудий драмасининг аҳамияти, уша даврда қолдирган изи ҳақида кўп ёзилди, гапирилди. Маҳмудхужа Беҳбудий қаламига мансуб «Оқ елпоғичли чинли хотун» ҳикояси эса ҳали кўпчиликка маълум эмас эди. Унинг мазмунини айтишдан кўра китобхонларни, таъбир жоиз бўлса, ҳикоянависларимизни ҳам мутолаа этишга тавсия этардик. Зеро Беҳбудий келажак адабиётимизнинг қай тариқа ривожини ўйлаганлиги ва узи янгича ёзишга ҳаракат қилганлигини аввало ҳикояда, қолаверса ҳикояга ёзган сўнгсўзидаги фикрларидан билиб олишингиз мумкин.

Юқоридаги икки асар «Бадиий асарлар» бўлимида берилган бўлса, «Саёҳат хотиралари» бўлимида сиз айрим қисмлари газеталарда эълон қилинган Беҳбудийнинг хотиралари тўлиқ ўқишингиз мумкин. Хуш, уларнинг аҳамияти нимада? Бу ҳақда профессор Бегали Қосимов сўзбошисида шундай фикрларни ўқишимиз мумкин: «Бу «Хотиралар» ҳам маърифий, ҳам адабий эстетик жиҳатдан ниҳоятда муҳим. Улар адабиётимиздаги анъанавий тарихий-мемуар жанрининг XX аср бошидаги узига хос намунасидир. Муаллиф бу мемуарларда йўл таассуротларига, машҳур ёҳуд оддий кишилар билан учрашувларининг ибратли томонларига кенг ўрин беради. Қайси шаҳарга бормасин, унинг тарихи, обидалари, у ердан чиққан буюк зотлар ҳақида маълумотлар тўплайди, турли-туман миллатлар, уларнинг урф-удумлари, турмуш маданияти билан қизиқади. Қишлоқлардаги деҳқончиликдан тортиб, шаҳарлардаги эскалатор («осонсур»)гача унинг эътиборидан четда қолмайди. Айниқса, дин, эътиқод масалаларига катта аҳамият беради».

Даврнинг рус матбуоти, хусусан «Туркестанское ведомости» газетасида Г. Андреев «Ойина» журналининг 1915 йилги 1-сонини таҳлил этар экан, айнан «Саёҳат хотиралари» борасида салбий фикр билдириб, уни «зерикарли ёзилган, фақат тафсилотлардан иборат», дейди.

Миссионер Г. Андреевга Беҳбудийнинг саёҳат хотиралари нега зерикарли туюлди? Бу саволга жавоб топишни китобхонлар зиммасига юклаймиз.

Китобнинг «Мақолалар» бўлимида эса Беҳбудийнинг қатор мақолалари шунингдек «Китобатул-атфол» ва «Мунтахаби жуғрофияи умумий» дарсликларидан парчалар эълон қилинганки, улар ҳам давр руҳини, муаммоларини, муаллиф фикрини курсатиб туради.

Шунингдек, китобда Беҳбудий вафоти муносабати билан Фитрат, Садриддин Айний ва Чулпоннинг марсиялари ҳам берилган.

Уша даврдаги мақола ва битикларни бугунги авлод изоҳсиз тушуниши қийин кечади. Шу боис китоб охирида тушунилиши қийин бўлган сўзларнинг изоҳи берилибдики, бу Беҳбудий ёзиб қолдирган асарларни бемалол тушуниб ўқишга шароит яратади.

Дарвоқе, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг бу «Танланган асарлар»и «Истиқлол қаҳрамонлари» сериясида чоп этилган бўлиб, серияда Чулпон, Авлоний, Суфизода каби юрт озодлиги учун курашган жадид боболарнинг асарлари тўпланганлиги ҳам бу савобли ишнинг давомидир.

Муптарийларимизга ушбу китобдан, яъни «Мунтахаби жуғрофияи умумий» дарслигидан олинган парчадан «Туркистон донишмандлари» бўлимини ҳавола этишни лозим топдик. Зеро дарсликда Беҳбудий болаларга уз аждодлари ва улар қолдирган меросларни бекорга ёзмаганди.

Ҳалим САЙИД.

ТУРКИСТОН ДОНИШМАНДЛАРИ

Ақлий ва фанний илмларга китоб тасниф қилган мусулмон уламо ва ҳукамолари ниҳоят кўпдир. Инчунин, Туркистон музофотига усуб шарьий ва ақлий илмларга китоб тасниф қилган ниҳоят машҳур уламоларни адади неча юздан ўтадур. Бу китобимиз ақлий ва фанний илмларга тааллуқ учун ақлий ва фанний илмларга китоб тасниф қилган ва ниҳоят машҳур Туркистоний уламо ва ҳукамо ва муаррих мусаннифларни[1] мунда ёзармизки, ушбудур. Агарда ақлий ва нақлий илмларга китоб тасниф қилган Туркистон уламоларини ҳаммасини аҳволи ва таснифотини ёзмоқ лозим бўлса, ушбу китобимиздан ҳам каттароқ бир китоб тайёрламоқ керак бўладур. Шайх-ур раис Ибн Сино. Бу Али луғат, мантиқ, жуғрофия, мусиқий, ахлоқ, кимё, абтоли аҳкоми нужум, табиат, мофуқал табиат, ҳикмат, тиб, расад, нужум, илми набатот, илми тавҳидга юздан зиёда китоб тасниф қилгандурки, мусулмон ҳукамоларини аввалидур. Аксар китоби Оврупо тилларига таржима бўлган ва фарангийлар Ависин атайдурлар. Вафоти 428 санагадур. Абу Наср Фаробий замонидаги барча тилларни билар эканки, «қонун» деган асбоби таганнийни[2] ижод қилиб экан. Барча тасниф қилган китоби 80 қадар. Ва илми тавҳид, фиқҳ, мусиқий, риёзий, ҳайъат[3], мантиқ, ҳикмат илмларига таснифоти бор. Вафоти 339 санагадур. Хожа Фахриддин — ҳикмат, тиб, фалакиёт, ҳайъатга таснифоти бор, вафоти 868 санага. Ҳаким Азрақий Марвий — ҳикмат, тиб, шеърга, Бадриддин Самарқандий — тибга, Нажибиддин Самарқандий — тибга, Абдурраҳмон Хоразмий — ҳозирги настаълиқ хатни ижод қилган, вафоти 9 асри ҳижрияга. Абу Язид Балхий — тиб, ҳикмат, таш[рих]та[4]. Абдурраҳмон Марвозий — ҳайъат, тиб, ҳиқматга. Абдураззоқ Ҳиротий — тарихга, вафоти 887 санага. Абу Иброҳим Гургоний — тибга, вафоти 531 санага. Шариф Хоразмий — тибга, Аҳмад бин Табиб Сарахсий — тиб, мантиқ, жуғрофия, тарих, ҳикмат, мусиқий, илми тавҳид, фалакиёт, илми жабрга, вафоти 283 санага, барча таснифоти 50 қадар. Абу Маъшар Балхий — ҳайъат, нужумга, ундан зиёда таснифи бор ва илми ҳадисга шуғли кўп экан, вафоти 286 санага. Абу Жаъфар Хоразмий — юнон тилига моҳир, нужум, илми жабр, жуғрофия, ҳикмат, ҳайъатга таснифи бор. Аҳмад Фарғоний — ҳайъат, нужумга таснифоти борки, лотин тилига таржима бўлгон, вафоти 226 санага. Муҳаммад Чағминий Бухорий— ҳайъатга, муъатабар китоби бордур. Али Қушчи Самарқандий — ҳайъат, жуғрофия, сарф, ҳисобга таснифоти бор, вафоти 879 санага. Шамсиддин Самарқандий — ҳандаса, риёзияга таснифоти бор, вафоти 600 санага, Мирзо Улуғбек Курагоний Самарқандий — ҳайъат, нужумга гўё муштаҳид экан. Самарқандга расадхона бино қилди. Зиж китобини тасниф қилганки, фаранг тилларига таржима бўлган, вафоти 853 санага. Муҳаммад Хужандий — ҳайъат, нужум уламосидан ва устурлоб истеъмол қилингандур. Али бинни Можур ва ўғли Ҳасан — ҳайъатга таснифоти бор. Абдуллоҳ Фарғоний — ҳайъат, риёзий уламосидандур. Абу Райҳон Хоразмий — юнон, ҳинд тилига моҳир, 40 сана саёҳат қилиб, тарих, жуғрофия, нужум, фалакийёт, тиб, тарихи табиий, ҳайъатга 26 мужалла китоб тасниф қилгон ва бир нечаси фарангий тилига таржима бўлган, вафоти 430 санага. Ғиёсиддин Самарқандий — риёзий илмига моҳир эди. Ғиёсиддин Муҳаммад Ҳиротий — тарихга таснифи бор, вафоти 942 санага. Муҳаммад Фарғоний — тарихга таснифи бор. Ҳофизи Абрў Ҳиротий — тарихга таснифи бор, вафоти 735 санага. Абу Саид Самъоний — 30 жилд тарихга таснифи бор, вафоти 562 санага. Абдураззоқ Самарқандий — жуғрофияга таснифи бор. Мир Абдулқарим Бухорий — тарихга таснифи борки, фарангига таржима бўлгандур. Булардан бошқа ақлий илмларга китоб тасниф қилган бир неча Туркистоний донишмандларни тарих ва таржимаи ҳол китобларига қуриладур. Ушбу маҳалга шу юқорига баён бўлганлар ила иктифо[5] қилдук. «Қомус-ул аълом» (Илмларнинг денгизи) ва «Туркистон уламоси» рисоласидан мухтасар нақл қилинди.

1. Мусанниф — китоб тузувчи, муаллиф.
2. Таганний — нағма.
3. Ҳайъат — астрономия.
4. Ташриҳ — анатомия.
5. Иктифо — кифоя.

Tadbir

МЕҲМОНЛАР ТУҲФАСИ

Шарқ халқларининг дили, маданияти, тили бир-бирига яқин ва уйғун. Узбекистон эса Шарқ маданиятининг Марказий Осиёдаги машъали. Ҳозирда бизда шарқ тилларини ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб олган янги турдаги ўқув муассасалари фаолият кўрсатаяпти.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 325-Шарқшунослик лицейи кейинги вақтларда унутилмас тадбирлар амалга оширилаётган даргоҳга айланди. Бу ерда яқинда Миср Араб Республикаси элчихонасининг вакиллари — доктор Одил Шийҳа, профессор Абдусалом Абдулмақсуд Диеб, МАР университети профессори Аҳмад Закий жаноблари ҳозир бўлишди. Уларга ҳамроҳлик қилган арабшунос устозлар Маннонов, Мухторов, А. Абдуллаев, Т. Қодировлар ҳам лицей ўқувчиларининг азиз меҳмони бўлишди.

Узбекистон ва Миср Араб Республикаси халқларини ислом дини жуда қадимдан боғлаб туради. Бинобарин, улар бир-бирларининг тили ва маданиятларини ўргансалар, бу нур устига нур. Шарқшунослик лицейининг араб тили бўлимига қабул қилинган ўқувчилар уша кунги тадбирда араб тилидан дўстликни, қардошлик ва меҳр-мурувватни ёқловчи шеърлар, ҳикматли сўзлар, чиройли рақсларни ижро этишиб, меҳмонларни хушнуд этишди.

Доктор Одил Шийҳа жаноблари учрашувда сўз олди: «Билишимча, сизлар бу ўқув масканининг илк қалдирғочларисиз. Бу шинамгина бино сизнинг ўткир зеҳнингиз, истеъдодингиз билан янада файзлироқ, шукуҳлироқ кўриниб турибди. Араб тилини ўрганиш ва унинг талаффузи анча мураккаб. Аммо шунга қарамай, сиз уч ой мобайнида бу тилда бийрон-бийрон сўзламоқдасиз. Бу бизни беҳад қувонтиради».

Миср Араб Республикаси элчихонаси вакиллари ўқувчиларга араб тилини мукаммал ўрганиш учун мўлжалланган дарслик, луғат ва бошқа ўқув анжомларини совға қилишди. Уз навбатида ўқувчилар ҳам МАР вакиллари ва бошқа меҳмонларни ўз эсдалик совғалари билан сийлашди, ҳурматларини жойига қўйишди.

Н. ЎРМОНОВА,
Ш. ҲАКИМОВА.

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

Аввал хабар қилингани-дек, Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси ва вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ҳамкорликда «Зиёкор» журнали чоп этилмоқда. Унинг 2-сони босмадан чиқди. Журналнинг мазкур сони ҳам педагоглар учун зарур хабар, янгилик, мақола ва методик тавсияларга бой.

Беҳбуд БОТИРОВ.
Самарқанд вилояти.